

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3 761,2 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 фоизни ташкил этди.



### Ялпи ҳудудий маҳсулот 2018 йил январь-март ҳолатига, фоиз таққослама нарҳда

	млрд.сўм		2017 йил январь-март ойига нисбатан, фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>2 997,7</b>	<b>3 761,2</b>	<b>103,9</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2 831,5	3 566,5	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	166,2	194,7	103,6
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>2 831,5</b>	<b>3 566,5</b>	<b>104,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	229,8	293,4	102,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	997,5	1 355,7	103,1
саноат	825,9	1 122,5	101,3
қурилиш	171,6	233,2	111,8
<b>Хизматлар</b>	<b>1 604,2</b>	<b>1 917,4</b>	<b>104,7</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	366,1	445,9	101,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	331,4	357,7	105,2
бошқа хизматлари	906,7	1 113,8	105,8

Иқтисодийнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ

хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,2 фоиз, (ЯХМ таркибидаги улуши – 8,2 фоиз), саноат – 101,3 фоиз (31,5 фоиз), қурилиш – 111,8 фоиз (6,5 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,7 фоиз (12,5 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,2 фоиз (10,0 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,8 фоиз (31,3 фоиз) ни ташкил қилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**  
январь–март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар